

## ИСПАНИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН “МУРСИАНА-ГРАНАДИНА” ЭЧКИ ЗОТИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА БИО-МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А. У.Торешова

қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали

### ANNOTATION

In this article, there are some biological and productive features imported from Spain the goat breeds "Murcina-Granadina" as well as conclusions on adaptation, prospects and their development in the Republic of Karaklpakstan.

**Key word:** *Murcina-Granadina breed, biological features, productive features, adaptation, perspectives*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасига Испаниядан келтирилган “Мурсина-гранадина” зотли эчкиларнинг айрим биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларига тариф берилган ҳамда шароитга мослашувчанлиги, келажаги тўғрисида хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** *мурсина-гранадина зоти, биологик хусусиятлари, маҳсулдорлик хусусиятлари, мослашувчанлиги, келажаги.*

**Аннотация:** В данной статье предусмотрены некоторые биологические и продуктивные особенности импортированный из Испании породы козы “Мурсина-гранадина” а также, сделаны выводы по адаптацию, перспективы и их развития в Республике Карақлпакстан.

**Ключевое слово:** порода мурсина-гранадина, биологические особенности, продуктивные особенности, адаптация, перспективы.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти [1] сонли қарорида таъкидлаб ўтилганидек чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, чорва маҳсулотларини кўпайтириш, озуқа базасидан тежамли фойдаланиш, наслчиликни яхшилаш, чорва маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишнинг аниқ комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида эчкичилик чорвачиликнинг асосий соҳаларидан ҳисобланади. Сабаби эчкилардан олинган маҳсулотлар тўқимачилик саноати учун қимматли хом ашё - жун ва қимматбаҳо тивит, шунингдек сут, гўшт ва тери маҳсулотлари билан таъминлайди.

Бугунги кунда Республикада эчкилик билан асосан фермер хўжаликлари ҳамда шахсий тадбиркор хўжалиқлар шуғулланади. Ҳозирги кунда асосан сут йўналишидаги эчкиларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Сабаби эчки сути ўзининг шифобахшлиги билан, айниқса ёш болалар учун жуда муҳим ҳисобланади. Шу боис, хориж давлатларидан сутдор эчкиларни олиб келиш ва шу шароитга мослаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Асосий қисм.** Бундай ишларнинг жадал суратларда ўтиши Республикамизда мустақиллик йилларидан кейин эчкичилик соҳасида амалга оширилмоқда.

Испаниядан “Мурсина-Гранадина” зоти сутдор йўналишли бўлиб, мазкур зотнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб сут маҳсулдорлигини сақлаган ҳолда, уларнинг кескин иқлим шароитига мослашувчанлигини ошириш соҳа мутахассислари, чорвадорлар ва хусусий тадбиркорлар олдида турган муҳим вазифадир. [2] Маълумоти бўйича сутли эчки ривожлантириш дунёда микёсида кенг тарқалгандир. Сабаби эчки сути ва унинг қайта ишланган маҳсулотлари парҳез овқатланишнинг қимматли манбаи ҳисобланади.

Республика ҳозирги кунда эчки сутини саноат усулида қайта ишлаш деярли мавжуд эмас. Шунга қарамай, мамлакатда сутли эчки чорвачилигини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуддир. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аҳоли парҳез ва осон ҳазм бўладиган озиқ-овқат маҳсулоти сифатида эчки сутига бўлган талабни кўпайтирмоқда.

Бир қатор тадқиқотчилар [3,4] илмий ишларида эчки сути, айниқса, болаларни овқатлантиришда юқори ҳазм бўладиганлиги, витаминлар миқдори кўпайганлиги, ишқорийлиги ва доривор хусусиятлари туфайли сигир сутига нисбатан аниқ устунликка эга эканлини таъкидлайди.

Мурсина-Гранадина зотли эчкиларнинг энг яхши подаларида сут маҳсулдорлиги лактация даврида ўртача 600-620 кг ва ундан ортиқни ташкил қилади [5].

Эчкиларидан олинadиган энг муҳим маҳсулот бу сут ҳисобланади. Шу боис, юқори сут маҳсулдорликка эришишнинг селекция усулларини ишлаб чиқиш, сут маҳсулотлари қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш, долзарб муаммо ҳисобланади. Лекин бу йўналишда деярли изланишлар олиб борилмаган. Шу билан бирга, сутнинг сифат кўрсаткичларига, эчкиларнинг ташқи ва ички кўрсаткичларини ўрганишга эътибор қаратиш лозимдир. [5,6] Мурсина-Гранадина зоти бу дунёдаги сутдор эчки зотидир. Ушбу зот Испания давлатида етиштирилган. Ҳозирги кунда мана шу зотни дунёнинг барча давлатлари шулардан энг асосийлари Аргентина, Бразилия, Мексика ва Венесуела харид қилмоқда.

Мурсина-Гранадина эчкиларининг сутдорлиги нафақат Испанияда, балки бутун дунёда машхур бўлди.



1-Расм Мурсина-Гранадина эчки зоти

Мурсина-Гранадина зотини етиштиришнинг асосий маркази ҳали ҳам Испания давлати ҳисобланади. Ушбу давлатда тоза зотли эчкиларнинг сони бугунги кунда 400000 мингдан ортиқдир.

Мурсина-Гранада зотининг сутдорлиги ва сут сифати билан ажралиб туради. Бундан ташқари, бу сут ҳали ҳам жуда мазали ва фойдалидир. Бундай юкори ёғли таркиб сўтдан юкори сифатли пишлоқ тайёрлашга имкон беради. сўтнинг энг яхши сифат кўрсаткичлари: ёғ миқдори 6,9%, оксил 3,7%, лактоза 4,5%, курук экстракт моддалар 14,1%-ни ташкил қилади. 4 литр сўтдан - 1,4 кг бринза пишлоғи, 4-5 литр сўтдан эса – 1,5 кг қаттиқ пишлоқ таярлаш мумкин [7].

Мурсина-Гранадина зотининг асосий биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлар куйидаги 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

**Мурсина-Гранадина зотининг асосий биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

к/с	Кўрсаткичлар	Она эчкиларда	такаларда
1	Яғрин баландлиги, см	65-75	65-82
2	тирик вазни, кг	45-50	50-60
3	Эгизлик даражаси, ҳар 100 бошга, улоқ	150-180	-
4	Елин тузилиши	Елин косасимон шаклида	-
5	Лактация давомийлиги, кун	275-280	-
6	Лактация даридаги сўт маҳсулдорлиги, кг	600-620	-
7	Шохи	Мавжуд эмас	Мавжуд
	Куйга келиш хусусиятлари	Мавсум танламайди ва йилнинг барча мавсумларида кўпайиш хусусиятига эга.	-
8	Қулоқлари тузилиши	Қалта ва тик	
9	Қуйруқ тузилиши	Қуйруқ қисқа ва тўғри	
10	Ташқи муҳитга чидамлилиги	Совуқ шароитга мослашиши кийинроқ, аммо иссиқ ҳаво ҳароратига жуда чидамли, мукамал мослашади ва ҳар хил стрессларга қарши туради.	
11	Наслчилик аҳамияти	-	Мурсина-Гранадина такаси билан сўт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий эчкиларни чатиштириш тавсия этилади.
12	Этологик хусусиятлари	Тинч темпераментли. Эчкилар очик жойларни, кўпинча ҳосили йиғиб олинган далаларда боқилишини хуш кўради.	

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни таъкидлайдики, Мурсина-Гранадина зоти эчкилари бирмунча бошқа зотларга нисбатан сўтдор бўлиб тез мослашувчан ҳисобланади. Экстерьер кўрсаткичлари бўйича ўрта катталиқда бўлиб яғрин баландлиги она эчкиларда 65-75см, такаларда эса 65-82см-га тенгдир. Такалари кўпчилик ҳолларда шоҳли бўлади. Эгизлик даражаси, ҳар 100 бош она эчкига 120-130 улоқ олиш имкониятини беради. Бош сонини кўпайтиришда ва улардан сўт ва гўшт ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эгадир. Энг асосий томонларидан бири маҳаллий кам маҳсулдорли эчкиларнинг сўт маҳсулдорлигини оширишда Мурсина-Гранадина такаларидан фойдаланилса олинган авлодларнинг генотипини яхшилашда муҳим ҳисобланади.

**Хулоса.** Испания давлатидан келтирилган Мурсина-Гранада зотли эчкиларни кузатишлар ва тадқиқот ишларига асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасининг кескин иқлим шароитига яхши мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, сут йўналишида фойдаланишни, йилнинг барча мавсумларида қўпайиш хусусиятини инобатга олган ҳолда киш мавсумларида қўшимча озиклантиришни ташкиллаштириш ва иссиқ қўраларда сақлаш тавсия этилади. Мурсина-Гранада такаларини маҳаллий кам маҳсулдорли эчкилар билан чаптириш орқали маҳаллий эчкиларнинг генотипини яхшилаш имконияти бор.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. 2018 йил 18-мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243 сонли қарори
2. Альмеев И.А., Калилов Т.К. Задача селекции в козоводстве//Овцеводство. 1977. - С. 30-31.
3. Вениаминов, А.А. Козоводство зарубежных стран / А.А. Вениаминов-М.: В АСХНИЛ, 1981.-С. 62.
4. Ерохин А.И., Ерохин С.А. Динамика овец и коз в мире и странах СНГ//Овцы, козы, шерстное дело. 2002. - №2. - С. 28.
5. Орехов А.А. Развитие козоводства проблема народнохозяйствен-ная//Овцеводство. - 1968. - №5. - С. 22.
6. Salter D. Goats milk a natural alternative//Dairy Goats J. - 1977. - 55. -12.-P. 12-16,35.
7. <https://geomedia.top/mursiya-granada-doynyie-kozy/>

